

Энг катта аслий неъмат



13:45 / 07.01.2019 2965

Неъматларнинг асллари ҳам беҳисоб ва кўп. Уларнинг энг аввалгиси Аллоҳ таолога ва унинг ҳузуридан келган нарсаларга иймон келтириш ҳамда У зот буюрган ва вожиб қилган нарсаларга иймон тақозосига кўра амал қилишдир.

Шунингдек, саломатлик ва офият неъматларнинг аслларидан бўлиб, кулоқ, кўз, қалб ва аъзолар саломатлиги ҳам шулар жумласидандир. Ушбулар инсон ҳаракатининг меҳвари ва ўз вужудидан истифода қилиш тиргагидир.

Илм ҳам неъматларнинг асл туридан бўлиб, жуда катта неъмат ҳисобланади. Жамият тараққиёти, дунёвий ва ухровий бахт-саодат барчаси унга боғлиқдир. Илм қандай бўлмасин, улкан неъматдир. Илм ҳосил қилиш неъмат, ундан фойдаланиш неъмат, у билан фойда етказиш

неъмат, уни сақлаш ва келажак авлодларга етказиш неъмат, инсонлар ўртасида уни ёйиш неъмат ва шу кабиларнинг барчаси неъматдир. Неъматларнинг аслларига мисоллар жуда кўп бўлса ҳам вақтнинг қийматини ҳисобга олган ҳолда сўзимни мухтасар қиламан.

Аслий неъматлар ичида энг улуғи ва энг қимматлиси вақтдир.

Вақт ҳаётнинг умри, инсоннинг борлиқ майдони, унинг даври, боқийлиги, фойда бериши ва фойдаланишининг саҳнасидир. Қуръони карим аслий неъматлар ичида вақт неъматининг улуғлигига, бошқасидан кўра қадр юксак эканига ишора қилган. Вақтнинг қиймати, қадрининг баландлиги ва таъсирининг бениҳоя катта эканига далолат қилувчи бир қанча оятлар келган.

Вақт неъматини билдирувчи оятлардан намуналар

Шу ўринда вақт неъматини билдирувчи оятларнинг баъзиларини келтириб ўтаман:

وَسَخَّرَ بِأَمْرِهِ الْبَحْرَ فِي لَتَجْرَى الْفُلُوكَ لَكُمْ وَسَخَّرَ لَكُمْ رِزْقًا الثَّمَرَاتِ مِنْ يَدِهِ فَأَخْرَجَ مَاءَ السَّمَاءِ مِنْهَا وَأَنْزَلَ وَالْأَرْضَ وَالسَّمَوَاتِ خَلَقَ الَّذِي اللَّهُ

وَالنَّهَارَ اللَّيْلَ لَكُمْ وَسَخَّرَ دَابَّيْنِ وَالْقَمَرَ الشَّمْسَ لَكُمْ وَسَخَّرَ لَكُمْ

كَقَارٍ لَطَلُومِ الْإِنْسَانِ إِنَّهُ تَخْصُوهَا لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ نِعْمَتَ تَعُدُّوا وَإِنْ سَأَلْتُمُوهُ مَا كُنَّ مِنْ وَءَاتَكُمْ

«Аллоҳ осмонлару ерни яратган, осмондан сув тушириб, у ила меваларни сизга ризқ қилиб чиқарган, Ўз амри ила денгизда сузмоғи учун кемаларни сизга беминнат хизматкор қилиб қўйган ва анҳорларни сизга беминнат хизматкор қилиб қўйган Зотдир. У қуёш ва ойни муттасил ҳаракатлантириб, сизга беминнат хизматкор қилиб қўйди. Шунингдек, сизга кеча ила кундузни ҳам беминнат хизматкор қилиб қўйди. Ва У сизга барча сўраган нарсаларингиздан берди. Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, саноғига ета олмассизлар. Албатта, инсон ўта золим ва ўта ношукрдир» (Иброҳим сураси, 32-33-34-оятлар).

Ҳа, Аллоҳ таоло кўплаб улуғ неъматлар ичида кеча ва кундуз неъматини ҳам берган. Бу иккиси эса, биз сўз юритаётган вақтдир. Ушбу улкан олам ибтидодан интиҳого қадар вақт суратида ўтиб бораверади. Аллоҳ таоло бу улуғ неъматни бошқа бир оятда қуйидагича таъкидлайди:

يَعْقِلُونَ لَقَوْمٍ لَّا يَتَّبِعُونَ ذَٰلِكَ فِي آيَاتِنَا بِأَمْرِ رَبِّكَ بِالنُّجُومِ وَالْقَمَرِ وَالشَّمْسِ وَالنَّهَارِ الْبَيْتِ لَكُمْ وَسَخَّرَ

«У Зот сизга кечанию кундузни, қуёшнию ойни беминнат хизматкор қилиб қўйди. Юлдузлар Унинг амри ила беминнат хизматкордир. Албатта, бунда ақл юритувчи қавмлар учун оят(белги)лар бор» (Наҳл сураси, 12-оят).

Аллоҳ таоло оят сўнггида ақл юритувчиларга мазкур неъматларда улкан белги-аломатлар борлигига ишора қилган.